тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа уланишини узиб қўювчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи канализация қудуғи (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиғи эса истеъмолчининг мулкидир ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судда кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, қўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома тасдиқланган бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади. Агарда томонлар ўз хоҳиш ихтиёрлари билан шартномани янгиламаган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

## X. Тарафларнинг юридик манзили:

| «ТАЪМИНОТЧИ» | «ИСТЕЪМОЛЧИ» |
|---|---|
| "Наманган сув таъминоти" МЧЖ Дўстлик бўлими | Наманган вилоят стоматология пол-си |
| Манзил: Давлатобод тумани 5-кичик нохия 6-а уй. | Манзил Нам. ш гпр Е.Шерозий кўчаси 1-уй |
| Тел: 69-232-36-15 | Тел: 69 233-34-16, факс |
| Х/Р: 22638000900306912568. | тл/х-р 23402 000 3 0 0 0 0 0 1 0 1 0 |
| Банк: "Ипотекабанк" Наманган ш. | Банк МБ 55 ХККМ Тошкент |
| МФО: 00223, ИНН: 200048456. | Банк коди 00014 СТИР 201122919 |
| НДС: код № 314010005776, | ХҲТУТ 91514 |
| | Шахсий рақам 40142186014401707224101 4001 |
| | Шахсий х-р |
| | Банк МБ 55 ХККМ Тошкент ш |
| | Банк коди 00014 СТИР 200056724 |
| | Уз. Рес. Молия бозулиги газначилик бош-си |
| Раҳбар | Раҳбар Б. Қосимов |
| М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо) | М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо) |
| «31» 12 2022 й. | «» 2022 й. |

Юридик маслаҳат:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос _____ «_____» 202__ й.

# "Наманган сув таъминот" М.Ч.Ж. Дўстлик бўлими

# СУВОҚАВА